



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (12.369)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз
Ислом Каримовнинг
2012 йилда
мамлакатимизни
ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш
яқунлари ҳамда 2013
йилга мўлжалланган
иқтисодий
дастурнинг энг
муҳим устувор
йўналишларига
бағишланган
Вазирлар
Маҳкамасининг
мажлисидаги
маърузасида янги иш
ўринлари ташкил
этиш ва аҳоли
бандлигини
таъминлаш
масаласига
эътиборни янада
кучайтириш
лозимлиги алоҳида
таъкидланди.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Бандлик дастури — амалда

ЁШЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА

Бу борада Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Коллежлар ва иш берувчи корхоналар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, битирувчиларнинг ишга жойлашиши, узоқ муддатли кредитлар олиб, ўз бизнесини ташкил этишига оид масалалар доимий эътиборда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашидан маълум қилишларича, ишга жойлашган ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси ва яратилган иш ўринларининг ишончлилиги борасида доимий мониторинг олиб борилмоқда. Кимё саноати учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 26 касб-хунар коллежи «Кўнғирот сода заводи», «Навоий-азот», «Аммофос-Максам», «Фарғона-азот» ОАЖ каби йирик корхона ва ташкилотларга бириктирилган. Ушбу корхоналарда амалиёт ўтаган ёшлар кейинчалик шу ернинг ўзига ишда қолмоқда, улар учун хавфсиз ва қўлай меҳнат шароитлари яратилмоқда.

Бу борадаги ишлар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек-телеком» акциядорлик компанияси, «GM Uzbekiston» қўшма корхонаси ва «Сувсоз» давлат унитар корхонасида ҳам намунали йўлга қўйилган. Мисол учун, «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли Тошкент минтақавий темир йўл узелининг тармоқ корхонаси Тошкент юк вагон депосига 2012 йили касб-хунар коллежларини тамомлаган етмишга яқин битирувчи ишга қабул қилинди.

Тошкент темир йўл касб-хунар коллежида таҳсил олаётган вақтида шу корхонада амалиёт ўтаган эдим, — дейди ЎзА муҳбирига Тошкент юк вагон депоси муҳандиси Зилола Зиёева. — Ўтган йили коллеж йўлланмаси билан ишга келдим. Бўлимимиз юк вагонларнинг техник ҳолатини ҳамда юк ортишга тайёрлашни назорат қилади. Ишим ўзимга жуда ёқди.

Ўтган йили 26 минг 407 нафар ўқувчи ҳамда коллежни имтиёзли диплом билан тугатган 10 минг нафардан зиёд битирувчи ишга жойлашганидан кейин биринчи маошига қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватланди. Бунинг учун корхоналарнинг бошланғич касба уюшмалари ҳисобидан 656 миллион 878 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш учун 14 ҳудудий ва 9 тармоқ касба уюшмасида стипендиялар жорий этилиб, 487 нафар талабага стипендия берилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларни моддий юк вагон депоси муҳандиси Зилола Зиёева. — Ўтган йили коллеж йўлланмаси билан ишга келдим. Бўлимимиз юк вагонларнинг техник ҳолатини ҳамда юк ортишга тайёрлашни назорат қилади. Ишим ўзимга жуда ёқди.

Сайёра ШОЕВА

Ёшлар лойиҳалари

БИЗ — БИР ЖАМОА, БИР ОИЛАМИЗ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ақл-заковати юксак ва жисмонан ривожланган ёш авлодни тарбиялаш, маънан етук малакали кадрларни тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган турли лойиҳалар муҳим ўрин тутмоқда. «Биз — бир жамоа, бир оиламиз» ёшлар акцияси шулар жумласидандир. Жорий йилда мазкур лойиҳа доирасида ўтказиладиган ўндан ортиқ таълим ва маданиятга оид тадбирларда ўн минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этади.

Акция «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан вилоят ҳокимликлари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарма кўмағида ташкил этилади. Уни ўз тенгдошларини бирлаштириб, ташаббускор ёшлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилаётган «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ўтказди.

Жорий йилнинг 27 мартдан 18 апрелгача давом этадиган ушбу тадбир Гулистон, Жиззах, Навоий, Урганч, Нукус, Бухоро, Термиз, Қарши, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган шаҳарларида бўлиб ўтади. Уни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ташкилот ҳамда муассасалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. 20 кун давомидида ёшлар учун журналистика, ахборот технологиялари ва чет тиллар

бўйича семинар ҳамда тренинглар ўтказилади. Бундан ташқари, бўш иш ўринлари ярмаркаси, «Дилемма» мунозара клубининг тақдирот ва намунали ўйинлари ҳам бўлиб ўтади.

Бу йил «Биз — бир жамоа, бир оиламиз» тадбири нафақат шаҳарларда, балки 15 апрелдан 15 майгача мамлакатимизнинг аксарият туманларида ташкил қилинади. Уларда ўтган йилдаги каби, иштирокчи ва ташкилотчилар ўз гоғларини таклиф этади ва улар кейинчалик амалга оширилади.

Бу лойиҳани амалга ошириш давомида мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртиларида бепул Wi-Fi зоналари, «Келажак овози» ахборот хоналарини ташкил этиш гоғси пайдо бўлган эди ва бугунги кунда улар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда, — дейди ЎзА муҳбирига «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоли, ўтган йилги тадбир иштирокчиси Бекзод Абдусаматов. — Биз вилоятлардаги тенгдошларимиз билан фикр алмашиб, улар ўз вақтинги қандай ўтказаяётгани билан танишишга муваффақ бўлдик.

Тадбир доирасида ўтказиладиган семинар, тренинг, давра суҳбатлари ва ижтимоий тадбирларда иштирок этаётган ёшлар йил сайин кўпаймоқда.

И.ДОЛЕНКО



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Муҳофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

• Самарқанд шаҳрида инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳаларнинг ҳудудий кўргазмаси ўтказилди. Ярмаркадан ўрин олган 150 дан зиёд инновацион технологияларнинг асосий қисмини замонавий асбоб-ускуналар, препарат ва материаллар ташкил этди.

• Андижонда анъанавий «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида гоғлиб деб топилган ишбилармон тадбиркор, фермер ва хунармандлар қатнашди. Танловда 48 тадбиркорлик субъекти ўз ютуқ ва имкониятларини намойиш этди.

• Қарши шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича «Қамолот» кубоги учун Қашқадарё вилояти очик чемпионати бўлиб ўтди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва вилоят ўзбек жанг санъати федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада воҳа ҳамда Бухоро вилоятдан 150 нафардан ортиқ ёш спортчилар иштирок этди.

• Наврўзи олам кунлари янги иморатларни фойдаланишга топшириш анъанаси Хоразм воҳасидаги тантаналарга янада кўтаринкилик бағишлади. Жумладан, Богот туманида «Ашқобод» ҳамда «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғинларининг бинолари, Урганч туманида «Аббосбек» хусусий дорихонаси, «Шердор» корхонаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Қўшқўпир тумани Янгилик қишлоғида «Янги Қўшқўпир» хусусий корхонаси қарашли бино, Янгибозор тумани Каттабоғ қишлоғида савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади.

ЖАҲОНДА

• Аргентина Президенти Кристина Фернандес де Киршнер янги Рим папаси Францискдан Буюк Британия ва Аргентина ўртасида Фолкленд ороллари бўйича давом этаётган можарони ҳал этишга бош қўйишни илтимос қилди.

• Америкалик муҳандислар Yeti деб ном берилган, муз қопланган майдонлар бўйича хавфсиз йўналишни белгилайдиган янги кичик роботни тайёрладилар. Ушбу ноёб роботдан қуролли кучлар тизимида, илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда ва саёхат чоғида фойдаланиш мумкин. Yetidan фойдаланиш фожиавий ҳолатларнинг олдини олишга имкон яратди, муз гоғлари ва муз тағидаги қўллардаги ўзига хос кимёвий шароитларни ўрганишда қўл келади.

• «Форбс» журналининг ёзишича, Москванинг энг кўп миллиардерлар яшайдиган шаҳар эканлиги маълум бўлди. 84 нафар москвалик миллиардернинг умумий бойлиги 367 миллиард долларга тенг экан. Бу ҳар бир бой ўртача 4,4 миллиард долларга эгаллик қилади дегани. Журнал томонидан тузилган рўйхатда иккинчи ўрин Нью-Йоркка, учинчи ўрин эса Лондон ва Гонконг шаҳарларига берилди.

• Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлашича, агарда давлатлар ҳаракат хавфсизлиги бўйича қонунларни қучайтирмас экан, 2020 йилга бориб дунё бўйича йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳалок бўладиганлар сони йилига 1,9 миллионга етиши мумкин. Бундай ҳодисалар ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида саккизинчи ўринда туради. Тахминларга кўра, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич бешинчи ўринга кўтарилиши мумкин.

Тошкент Фотосуратлар уйида «Ассалом, Наврўз!» деб номланган фотокўргазма очилди.

СУРАТЛАРГА КЎЧГАН МЕҲР ВА ҲАЙРАТ

Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мусаввирлар, фотожодкорлар, мутахассислар, фотография санъати ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳалқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш жараёнида кенг кўламли эзгу сазй-ҳаракатларда миллий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини ёш авлодга тўғри етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган улкан марралар, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимизнинг нуфузи тобора ортиб бораётгани, бугунги тинч ва осуда, фаровон ҳаётимизни холис ва таъсирчан акс эттиришда фотография санъатининг ҳам ўрни бор.

Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Мил-

лий ахборот агентлиги томонидан бир қатор ижодий, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни, баркамол авлодни вояга етказиш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни эъозлаш борасидаги сазй-ҳаракатларни ҳамюртларимизга етказишга қаратилган турли ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, кўргазмалар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш анъанаси айланган.

Баҳор байрамига бағишланган «Ассалом, Наврўз!» мавзусидаги бадий фотокўргазмадан кўзланган асосий мақсад миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини сақлаш йўлидаги эзгу ишлар мазмун-моҳиятини фотография санъати орқали ихлосмандларга етказиш, фотомусаввирларнинг яшариш ва янгилиниш байрамига бағишлаб ишлаган суратлари билан томошабинларни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Кўргазмада Абдуғани Жумаев, Константин Минайченко, Рустам Шарипов, Владимир Шлосберг, Султон-



Абдулло Абдуллоев (ЎзА) олган сурат

бой Дехқон, Сарвар Ўрмонов, Ҳоло Абдуллаев, Муҳаммад Амин, Жамшид Нормонов, Ахто Маммадматов сингари моҳир фотоусталар билан бирга ёш фотожодкорларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган суратларда жонажон Ватанимиз табиати манзаралари, тинч ва осойишта ҳаётимиз, обод ва фаровон шаҳар қишлоқларимиз, тўкин бозорлар, меҳнатсевар ҳамюртларимиз қиёфаси фотографиянинг турли жанр ва йўналишларида акс эттирилган.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.


✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадий академиясининг Икуо Хираяма

номли халқаро маданият қарвон саройида рассом Радик Азизовнинг Наврўз байрамига бағишланган шахсий кўргазмаси очилди.

✓ **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Афсона» тантаналар уйида «Наврўз — ободлик тантанаси» мавзусида маънавий-маданий учрашув ўтказилади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 24 март — Халқаро силга қарши кураш кунини муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ



Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида Наврўз байрамига бағишланган хайрия ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада сотувга қўйилган барча сувенир ва қандолатчилик маҳсулотлари мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган.

МЕҲРИБОНЛИК
УЙИДА ЯРМАРКА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб вояга етказишга улкан эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда, уларнинг таълим олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тарбияланувчиларимиз ярмаркадан тушган маблағни бошқа Меҳрибонлик уйларидаги ногирон болаларга беришни ният қилганлар, — дейди ЎЗА муҳбирига А.Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи директори Ш.Бердиева. — Айрим ишларни ҳомийларимизга совға қилдик. Уларнинг ёрдамида муассасамизнинг барча биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, бешта янги бино, суғий қопламали футбол майдони барпо этилди. Янги спорт жиҳозлари ва мебеллар, ўқув заллари ва дам олиш хоналари учун техника воситалари сотиб олинди.

Болалар ҳам мана шундай хайрли ишлардан ибрат олган ҳолда вояга етмоқда. 12 ёшли Дилором Турдиева нина ва игдан моҳирона фойдаланган ҳолда тайёрланган чойнак тағига қўядиган буюмни кўргазмага тақдим қилди. Бу ерда, шунингдек, кулчилик буюмлари ва матодан ясалган кўғирчоқлар, тўқилган кофталар, кашта билан безатилган елпигичлар, турли ширинликлар намойиш этилди.

Мен тайёрлаган чойнак учун мўлжалланган бир неча буюмлар ва елпигичларни харид қилишди, — дейди Дилором. — Бундай буюмларни тайёрлаётганда уларнинг кўркам ва фойдаланиш учун қулай бўлишига аҳамият бераман.

Ярмарка якунида концерт дастури ташкил этилди. Унда мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижросида Ватан, истиқлол ва Наврўзга бағишланган шеър ва қўшиқлар янгради.

Роман БОНДАРЧУК

Юртимизнинг қай гўшасига бормаиллик, шу кунларда Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрганини ҳис қиламиз. Жумладан, бутун республикамизда бўлган каби пойтахтимиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида, маданият масканларида ҳамда маҳалла гузарларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган оммавий халқ сайиллари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда айрим ҳамшаҳарларимизнинг дил сўзларини қозғога туширдик.

Баҳорнинг гўзал байрами ҳисобланмиш Наврўзи оламини табиатнинг уйғониш даври десак адашмаган бўламиз, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Учтепа туман бўлими раҳбари Шохид Шомуталова. — «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғида ўтаётган сайилда хунараманд усталар, «Баркамол авлод» марказлари, тумандаги корхоналарнинг ҳамда коллежларнинг кўргазмалари ташкил этилди. Баҳор таоми бўлмиш сумалаклар тарқатилмоқда. Пиру бадавлат отахон-онахонларимиз қўлларини дуога очиб, юртимиз тинчлиги, турмушимиз ободлигини сўрашмоқда.

Азалдан Наврўз халқимиз томонидан кут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланади, — дейди Раъно Исоқова. —

Миллий боғда ўтаётган байрам сайлига Жиззахдан ташриф буюрдим. Биласизми, аънавий тарзда ўтадиган байрамда ҳар йили қатнашаман.

Халқимизга хос бўлган қадимий аънаваларнинг энг улуғи ва қадимийси Наврўз ҳисобланади, — дейди кўп йиллар давомида ўқувчиларга она-тили ва адабиётдан дарс бериб келган муаллима Адиба Хайдарова. — Ҳар йили оиламиз билан Наврўз байрамини орзиқиб кутамиз. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган сайил давомида қалбимиз гурурга тўлди.

Наврўз айёми сайлида диёримиздаги ёшу кексанинг юзидagi табассумни кўриб, диллар орзиқиб кетмоқда, — дейди «Баҳор» маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Муяссар Раҳимжонова. — Энг гўзал байрамда баҳорий — миллий таомлар пиширилади, ўзбекона урф-одатлар ва қадриятлар улуғланапти. Шу кунларга етказганига шукроналар айтамиз.

Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган халқ сайиллари, турли-туман тадбирлар барчага олам-олам қувонч бағишламоқда. Юртимга хуш келибсан, Наврўзи олам, дея қалбимиз гурурга тўлмоқда!

Зиёда РАСУЛОВА

Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабида Наврўзи олам байрами шодиёналари кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбирда мутасадди ташкилотларнинг вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

ҚИЗИҚАРЛИ
МУСИҚИЙ
ДАСТУР
НАМОЙИШИ

Байрам дастури «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Сергели тумани бўлими «Қамалот» болалар ташкилоти ҳамда 21-мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Халқимиз ҳаётидаги муҳим саналар ва байрамлар орасида Наврўзи олам табиатнинг уйғониши билан боғлиқ янги куннинг бошланиши сифатида алоҳида ажралиб туради, — деди мактаб директори Ҳасима Набиева. — Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир.

Тадбирда санъат мактаби ўқувчилари ўзларининг бири-биридан қизиқарли байрамона сахна кўринишлари, миллий қадриятлар ва удумларимизни намойиш этувчи миллий қўшиқлар ва рақслар билан иштирок этишди. Байрам дастурида ўзбек халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар ҳамда торли ва камонли чолғулар синфларидан ўз чиқишлари билан фаол қатнашган Шамшод Исаев, Ширин Камолова, Арофат Фарҳодова, Дилшод Исаевлар ўз маҳоратлари билан йиғилганларга хуш кайфият бағишладилар.

Кеча сўнггида мактаб фахрийларига ҳамда тадбирда фаол иштирок этган ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамида УСМОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Танловлар

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ АКС ЭТДИ

Тупроқни уйғотиб майса чўзди бўй,
Табиат келиндек бунчалар хушрўй,

Баҳор кунларида ҳар бир кунинг тўй,
Халқим, бу кун сенга Наврўз муборак!



Тошкент радиотехника касб-хунар коллежида ташкил этилган «Балли, ёшлар» беллашуви ҳам ўзига хос тарзда кўтаринки байрамона кайфиятда ўтди.

Танловда ёшлар Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, қадриятларимизга бўлган оқсак эҳтиром, миллий урф-одатларимиз тарғиби, халқ оғзаки ижодида парчалар, баҳру байтлар ва ўзларининг баҳорий кўргазмалари билан иштирок қилдилар.

Таништирув, миллий урф-одатлар ва миллий қадриятларни тарғиб қилувчи сахна кўринишлари, миллий йўналишдаги соч турмаги, лапарлар, ўйинлар ва рақслар ҳамда байрамона дастурхон тузатиш шартлари бўйича қизлар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Қизларимизнинг ҳар бир чиқиши дилимизга ажиб бир ҳаяжон, қувонч ва ифтихор туйғуларини қалбимизга жо қилди, — дейди Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари,

«Алфа групп» ОАЖ қўшма корхонаси ташаббуси билан ташкил этилган «Қизлар давраси» кўрик-танлови ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш ҳамда ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Сергели туманида жойлашган «Алфа пластик» МЧЖ, масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Узтех Тошкент» қўшма корхонаси ишчи қизлари ва ХОАТБ «Infin bank» ходимлари иштирок этди.

Наврўз байрамига бағишланган ушбу тадбир таништирув, эркин мавзу, алла айтиш шартлари асосида ўтказилди ва йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

Янгиланиш ва яшариш байрами Наврўзни ҳар йили иштиёқ билан кутамиз. Наврўз доим дилларни дилларга бирлаштиради, барчани самимийликка чорлайди. Ана шундай шодиёна кунларда Наврўзга бағишлаб жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Қизиқарли ва қувноқ лаҳзаларга бой тарзда ўтган танловда «Узтех Тошкент» корхонаси ходимлари Ирода Мамаюсупова биринча ҳамда Дилафрўз Собирова иккинчи, ХОАТБ «Infin bank» ходими Гулҳаё Фуломова

эса учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Байрам сўнггида барча иштирокчи қизларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

22 март — Халқаро
обиҳаёт куниҲАР ТОМЧИСИ
ҲИСОБДА

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Халқаро обиҳаёт кунига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К.Содиқов, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори Ў.Умурзоқов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани инсон манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К.Содиқов, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори Ў.Умурзоқов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани инсон манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси ичимлик сув таъминотининг саксон фоизи ер ости чучук сув манбалари ҳисобига тўғри келади. Улар заҳираси қамайиб кетишининг олдини олиш — доимий эътиборда. Шу мақсадда республика аҳамиятига эга ўн бир, вилоятлардаги саккиз ер ости чучук сув манбаларига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилган. Мамлакатимиз ирригация-дренаж тизимлари тизимли реконструкция ва модернизация қилинмоқда. Насос станциялари ва сув ҳўжалиги иншоотлари қайта жиҳозланиб, аграр тармоқда тежамкор услуб ва технологиялар қўлланаётир.

Илмий-амалий семинарда сув заҳиралари муҳофазасига оид қонунчиликни такомиллаштириш, экологик таълим ва тарбиёт ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА

МАҲСУЛОТ ТУРИ
КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси томонидан мамлакатимизда мева-сабзавот, узум етиштириш, уни қайта ишлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

«Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси раиси Шухрат Раҳимов мамлакатимизда тоқзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилаётган доимий эътибор бозорлар тўқинлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

«Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси томонидан тармоқни техник ва технологик янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Ҳозир компания томонидан мингдан ортқ турдаги вино, шампань ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Мева ва сабзавот шарбатлари, чанқовбосди ичимликлар, консервланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бутловчи буюмлар тайёрлашни ўзлаштириш мақсадида 2013-2015 йилларда тизимдаги корхоналарда 135 миллиард сўм микдордаги саксондан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот сифатини ошириш, экспорт ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадбирда винобон узумчиликни тиклаш, узум навлари ва сифатини яхшилаш, корхоналарни модернизациялаш, мутахассислар малакасини ошириш каби масалаларда журналистларга атрофли маълумот берилди.

(ЎЗА)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ёшлар маънавиятини юксалтириш билан уйғун олиб борилмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув шароитида интернетдаги тезкор ва сарҳадсиз ахборотни саралай билиш, улардан тўғри фойдаланиш инсондан юксак ақл, кенг дунёқараш ва мустаҳкам иродани талаб этади.

Маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда «uz» доменидаги сайтлар сони ўн олти мингтани ташкил этмоқда. Юртимиздаги интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти замонавий ахборот технологиялари имкониятлари ва чет тилларини пухта ўзлаштирган ёшлардир.

Интернетда фойдали маълумотларга тўла веб-саҳифалар билан бирга, миллий қадриятларимизга зид, зўравонлик, шафқатсизлик ва беҳадликни тарғиб қилишга, миллатчилик, ирқчилик, инсон қадр-қимматини камситишга қаратилган сайтларнинг ҳам борлиги ёшларимиз онги ва қалбини тўғри тарбиялашни ҳаёт-мамонт масаласига айлантирмоқда. Бу маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, виртуал тизимдан унумли фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ.

Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йилда ҳаракатнинг расмий веб-сайти (www.kamolot.uz) тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Ўтган давр мобайнида ёшлар ўртасида ташкил этилган турли лойиҳалар, фестиваллар, семинар ва анжуманлар веб-сайт орқали он-лайн тарзда ёритилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Мустаҳкам оила – жамият пойдевори» мавзусидаги он-лайн мулоқотлар кўпчиликлда кизиқиш уйғотди. Ёш авлодни оила билан боғлиқ маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этил-

ган ушбу мулоқотларда маданият, санъат ва спорт намояндалари, малакали психологлар, катта ҳаётий тажрибага эга нурунийлар юртимиз ёшлари билан мулоқот қилди. Илк мартаба интернет тармоғида ташкил этилган ушбу лойиҳада 800 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг расмий веб-сайти негизида test.kamolot.uz доимий

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб-дизайнерлар, дастурчилар, интернет сайтлари муаллифлари, фотомухбирлар, журналистлар ва ёш ижодкорлар ўз сайтлари, интернетга жойлаштирилган фото ва видеоматериаллари билан қатнашиши мумкин. Миллий интернет танловининг ўзига хос жиҳати шундаки, танловда иштирок этаётган веб-сайтлар нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки интернетдан фойдаланувчилар томонидан ҳам баҳолаб борилади.

Танловда юртимизнинг бой маданияти ва санъати, тарихи, истиқлол ғоялари ва маънавий қадриятлар, иқтисодиёт, сайёҳлик салоҳияти, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаётни ҳамда янгиликларни акс эттирган, Обод турмуш йилга бағишланган энг яхши веб-сайтлар муаллифлари рағбатлантирилади. Шунингдек, ёшлар иштирокида ўзбек мумтоз шеърляти ва адабиётини кенг тарғиб этган энг яхши ролик, юртимиз табияти ва тарихий ёдгорликлари акс этган, компьютер ва

бошқа электрон ускуналарга ўрнатишга мўлжалланган интернет тармоғидаги энг яхши фотожамланмалар ҳам аниқланади.

Бундан ташқари, «Давлат тилидаги энг яхши сайт», «Икки тилда яратилган энг яхши сайт», «Мобиль алоқа воситалари учун мўлжалланган энг яхши сайт ёки қўшимча дастур», «Энг яхши дизайн» каби қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиб сайтлар тақдирланади.

MIT.UZ миллий интернет танлови бўйича аризалар жорий йилнинг 1 июнига қадар қабул қилинади. Ғолиблар мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида эълон қилинади.

Байрам АЙТУРДОВ,
ЎЗА мухбири

Ахборот-коммуникация технологиялари

МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ

субсайти ташкил этилиб, «Конституция билимдо-ни» мавзусидаги он-лайн танлови ўтказилди ва ушбу танловда 11 минг 134 нафар ўғил-қиз иштирок этди. «Оила – менинг кутлуғ боғим», «Бахор илҳомлари» мавзуларида ўтказилган танловларга интернет тармоғи орқали 200 нафардан зиёд ёш ижодкорнинг ижод намуналари қўйилди.

Ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилдан бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор ва-зирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий «MIT.UZ» миллий интернет танлови ташкил этилмоқда. Танловдан мақсад ёшларга мўлжалланган интернет ресурсларни яратиш, рағбатлантириш, мавжудларини ривожлантиришдан иборат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ХАМКОРБАНК» очик акциядорлик-тижорат банки жамоаси

Сизларни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади!

Сизларга тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга файзу барака, фаровонлик ва юртимиз равнақи йўлидаги бунёдкорона ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

Байрамона кайфият қалбингизни йил давомида тарқ этмасин.

НАВРЎЗ АЙЁМИНИНГ ҚУШЛУҒ БЎЛСИН!

www.hamkorbank.uz

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизни она табиятнинг янгилиниши, яшарини рамзи бўлмиш кўҳна ва ҳамиша навқирон Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз.

Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўқин-сочинлик тилаймиз.

Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

«10-АВТОБУС САРОЙИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

— Тадбиркорлик фаолиятингизни ривожлантирмоқчимиз?
— Хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатмоқчимиз?
Унда ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёки унинг худудий бошқармалари, туманлар Ахборот-маслаҳат марказлариغا мурожаат қилсангиз қифоя. Мутахассисларимиз Палата аъзолари учун яратилган имкониятлардан хабардор қилади ва бузилган ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Палатага ташриф буюринг.
Телефонлар: (+99871) 150-60-06, 150-60-02, (03)
www.chamber.uz

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси

SMS- Тўлов хизмат тури – банк он-лайн пластик картчалари орқали жойингиздан туриб барча тўловларни амалга ошириш имкониятини беради.

Сиз ўз банкнингизга паспорт ва уяли телефонингиз билан бир мартаба ташриф буюрсангиз қифоя.

Банкда Сизни тизимга кирийтиб, электрон имзо берилади.

Шундан сўнг уяли телефонингиз ёки интернет воситаси орқали коммунал, солиқ, телефон, интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари Сизга батафсил маълумот беришдан мамнундир.

Телефонларимиз: (+998 71)150-60-06, (+998 71) 233-24-01
www.chamber.uz

www.smst.uz

www.businessinfo.uz

сайтлардан юқлаб олишингиз мумкин.

E-mail: callcenter@chamber.uz, support@smst.uz

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси

КЕЛАЖАКНИ БИРГА ҚУРАМИЗ!

Аҳоли диққатига!

2013 йил 1 апрелдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маийш эҳтиёжлар учун сарф қилинган хар бир кВт/соат электр энергияси нархи 112 сўм 20 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 56 сўм 10 тийин белгиланди.

«Toshkent shahar ETK» OAJ маъмурияти

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 30 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтadиган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Исломобод 4-тор қўчаси, 24-уйда жойлашган, умумий майдони 777 м.кв., умумий ер майдони 600 м.кв., икки қаватли, бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 7 та, яшаш хоналар сони 7 та бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 866 476 383 сўм.

2. Миробод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Ҷуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2011 йил 10 ноябрдаги 1-7643/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамш 2/4 мавзеси, 14-уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 85,10 м.кв., 4та яшаш хонасидан иборат уй-жой. Бошлангич нархи – 70 769 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридagi кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 15 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Юқоридagi кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида беvosита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги қўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. www.realtorgroup.uz.

Лицензия: № RR-0017.

Билдириш

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 5 февраль кунги 25-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод 16-дахаси, 12-уй, 3-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Бектемир тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 5 март кунги хатига асосан тўхтатилди.

2. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 18 февраль кунги 34-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли қўчаси, 60А-уй, 159 ва 160-хонадонларда жойлашган уй-жойларнинг аукцион савдоси Олмазор тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 13 март кунги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани СИБ томонидан: № 41852 - сонли ижро ҳужжатида асосан «Ваз 2106», д/р. 01 S 684 EA. Бошлангич баҳоси – 2 651 940 сўм. «Кўктерак Матлубот Инвест» МЧЖда сақланмоқда. 2. Окқўрғон тумани СИБ томонидан: 26.10.2005 й. ижро ҳужжатида асосан «Т-28, Х-4», д/р. сиз. Бошлангич баҳоси – 2 017 901,16 сўм. Окқўрғон тумани, ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Чирчик шаҳар СИБ томонидан: № 7079 - сонли ижро ҳужжатида асосан «Ока Ваз-1111», д/р. 11 X 2655. Бошлангич баҳоси – 1 143 749 сўм. Чирчик шаҳар ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сақланмоқда. 4. Зангиота тумани СИБ томонидан: 30.01.2013 й. № 1280 - сонли ижро ҳужжатида асосан «Т380.10», д/р. сиз. Бошлангич баҳоси – 34 544 000 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, ДТ Халқ банки Зангиота филиали биносида сақланмоқда. Янгийул тумани СИБ томонидан: 5. 29.10.2012 й. ижро ҳужжатида асосан «Тойота Королла», д/р. 30 E 9339. Бошлангич баҳоси – 26 673 900 сўм. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 23-мавзе, 319-гаражда сақланмоқда. 6. 04.10.2012 й. ижро ҳужжатида асосан 2010 й. и/ч. «Катива РЛГ», д/р. 10 070 КАА. Бошлангич баҳоси – 67 950 000 сўм. Янгийул тумани, Гулбаҳор к.ф.й., Чирчик қўчаси, 1-уйда сақланмоқда.

Пискент тумани СИБ томонидан: 7. 06.10.2012 й. ижро ҳужжатида асосан 1981 й. и/ч. «ГБА-Газ24-СПГ», д/р. 10 T 970 EA. Бошлангич баҳоси – 2 630 000 сўм. Пискент тумани ИИБ ДАН жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi автотранспорт воситалари 2013 йил 23 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 5 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида беvosита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган завалят келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: д/р: 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-дахса, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

